



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМ ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Солиев А.Т.

Самарқанд Давлат чет тиллари институти
Мустақил тадқиқотчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21703761>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-iyul 2026 yil
Ma'qullandi: 28-iyul 2026 yil
Nashr qilindi: 30-iyul 2026 yil

KEYWORDS

ҳарбий ватанпарварлик,
ахлоқий идеал, халқ
достонлари, қаҳрамонлик
феномени, Алп Ер Тўнга,
Алпомиш, Широқ.

ABSTRACT

Мақолада “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий фалсафий мероснинг ўрни” мавзусининг Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, миллий ҳавфсизлиги ва маънавий барқарорлигини таъминлашда ғоят муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгалиги, бугунги кунда ахборот уруши, маданий экспансия ва мафкуравий таҳдидлар шароитида ёш авлод онгида ватанга садоқат, миллий ғурур, мардлик ва фидокорлик руҳини шакллантириш зарурлиги ва бунда халқимизнинг бой тарихий, фалсафий меросидан мисоллар келтириш орқали концептуал йондашилган.

Ҳарбий ватанпарварлик ҳам тарихан шаклланадиган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ахлоқий қадриятлар сирасига киради: уни ҳам фазилат, ҳам мерос, ҳам қадрият сифатида талқин ва тадқиқ етиш зарур. Бизнингча, ҳарбий ватанпарварликни маънавий-ахлоқий меросдаги инъикоси аввало, ахлоқий идеалга айланган ва ўзида юксак фазилатларни мужассам етувчи халқ достонларидаги қаҳрамонлар тимсолида намоён бўлади. Буларга халқ оғзаки ижоди - фолклор билан боғлиқ илмий-бадний манбалар киради.

Халқимиз азалдан ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, ел-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар етиб тарбиялаб келди. Бу тажриба бизларга миллий-маънавий меросимизнинг халқ оғзаки ижоди дурдоналари орқали ҳам етиб келган. Айниқса, ўзбек халқининг ори, ғурури, юртга муҳаббати ва улуғ дардини ўзида акс еттирган, аждодларимиз бадий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги бўлган “Алпомиш” достонида ҳарбий ватанпарварликнинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Достонда ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик фазилатлар инъикоси билан боғлиқ эпизодлар кўплаб учрайди. Шу маънода, “Алпомиш” ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва тант халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримизнинг авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик намунаси ҳамдир. Шунинг учун Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов бу достонни бутун ўзбек халқининг маънавий мулки эканлигини таъкидлаб, “Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни,

оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўст-у ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”, дейди.

Мустақиллик туфайли амалга оширилаётган маънавий-маданий, маърифий-мафкуравий соҳадаги янгиланишлар ўзбек халқининг буюк келажагига қаратилган, авлодни ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб тарбиялашга мўлжалланган эзгу мақсаддир.

Таъкидлаш зарурки, ўзбек халқ қаҳрамонлик феноменида ҳарбий ватанпарварлик ахлоқий идеал воситасида ижтимоий-маънавий ҳодисага айланади. Одатда, ахлоқий идеал инсонларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий тажриба, табиий муҳит, диний тасаввурлар, урф-одатлар, анъаналар, инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ғоялар негизида шаклланидиган етуклик ва комиллик сари чорловчи тимсол ҳисобланади.

Ахлоқий идеал ҳақидаги замонавий ёндашувларда файласуф Анвар Қодировнинг қарашлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Файласуф ахлоқий идеал тушунчасини бурч, езулик ва ор-номус сингари ахлоқий категориялар ижтимоий онгнинг бошқа жабҳаларисиз (сиёсат, ҳуқуқ, санъат, фан ва бошқалар) шаклланимайди, ҳар бир ижтимоий онг шакллари ўз таъсир ва имконият доирасида ўзаро диалектик алоқадор бўлган комплекс муаммо сифатида тадқиқ этади. Бу борада О.П.Селикова, Л.И.Рувинский, В.В.Борзихнинг ахлоқий идеал шаклланишида ёки сиёсий омиллар, ёки ҳис-туйғулар асосий ўрин тутаяди, деган қарашларини танқидий ўрганиб, қуйидаги фикрни илгари суради: “Турли ҳодисаларнинг инсон онгидаги идеалга таъсири ҳақида гап кетганда ахлоқий фаолият тафаккур ва туйғулар бирлигини тақозо этишини унутмаслик керак. Гносеологик нуқтаи назардан инсон ахлоқий идеалларга ҳис-туйғу ва тафаккур ёрдамида ижтимоий воқеликка маънавий тажриба орқали муайян назарий андаза сифатида муносабатда бўлади. Шунинг учун фақат сиёсий ёки эмоционал жараёнларга уларни бир-биридан ажратган ҳолда урғу бермаслик керак. Ахлоқий тажриба шундан далолат берадики, баъзи одамлар умумийтироф етилган нормаларга тескари иш тутишади, улар учун ахлоқий меёрлар уларнинг индивидуал фаолиятларига нисбатан шунчаки оғзаки ва бетаъсир «жамият садоси» бўлиб қолаверади».

Ўзбек халқи тарихидаги қаҳрамонлик ва жасорат намунаси дея еътироф этиладиган оддий чўпон Широқнинг устамонлиги ва қаҳрамонлиги яна бир форс шоҳи ва лашкарбошиси Доро I ни саросимага солиб қўйгани ҳақидаги тарихий воқеани ҳар бир ватандошимиз билади ва фахрланади. Антик давр тарихчиси “Ҳарбий хийлалар” асарининг муаллифи Полиен келтирган маълумотга кўра Доро I Широққа мурожаат қилиб, нима сабабдан ёлғон гапириб, бизни адаштирдинг, деганда: «Мен ғалабани қўлга киритдим, чунки ватандошларим бўлган саклар бошидаги фалокатни бартараф етдим, душманларимизни сувсизлик ва очликдан ўлдирдим, энди нима қилсаларинг ихтиёр ўзларингда», – деб жавоб берганлигини ёзиб қолдирган.

Широқ қаҳрамонлиги феноменининг фалсафий моҳияти шундаки, ҳарбий ватанпарварлик фақатгина жангда мардона туриб ҳалок бўлиш емас, балки душманни йўқ қилиб ундан ўч олиш баробарида, авлодларга еркин, озод, ҳур Ватанни мерос қилиб қолдириш билан ҳам белгиланади.

Миллий қаҳрамонлик феномени ва ўзбек халқи ҳарбий ватанпарварлигининг намунаси ҳақида гап кетар экан, тадқиқотчи Актам Самадовнинг ахлоқий идеал ҳақидаги фикрлари бир қадар аҳамиятли. Тадқиқотчи ахлоқий идеал шахсий, миллий ва умумбашарий бўлишидан қатъий назар, икки хил хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди: биринчиси - ахлоқий идеалнинг моҳиятини ташкил етувчи яхшилик, бахт, адолат, муҳаббат, покдомонлик ҳақидаги тушунча, тасаввур ва намуналар миллий хусусиятлар билан индивидуал ҳолат қоришган ҳолда муайян барқарорликка даъво сифатида мавжуд бўлса, иккинчидан, воқеликнинг субъект онгидаги идеаллаштирилган образларини шахсий ва миллий еҳтиёжларни ифодаловчи воқелик сифатида ҳам ўзида акс еттиради. Бу нарса ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий шароит ва жамият иқтисодий-мафкуравий таъсирида бўлишини кўрсатади. Бу диалектик жараёнда фақат муайян ижтимоий муносабатлар ахлоқий идеал мазмунини белгилайди, дейиш ахлоқий идеалнинг умумбашарий қадрият эканлигига путур йетказади ва пировардида уни турли ижтимоий гуруҳлар, кучлар, синфлар курашларига монанд ўзгариб турадиган ҳодисага айлантириб қўяди.

Ўзбек халқи қаҳрамонлик феноменида Алп Ертўнганинг алоҳида ўрни бор. “Алп” тушунчаси ўзбек дostonларида Ватан, халқ манфаати йўлида бунёдкорлиги, маънавий жасоратлари билан ажралиб турадиган кишига берилган сифат, унвон ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “алп” тушунчасининг изоҳи қуйидагича талқин етилади: “1. Қадимги туркий халқларда икки қўшин ўртасидаги жанг бошланишидан олдин яккама-якка олишувда иштирок етувчи жангчи. 2 . Ўзбек халқ дostonларида ғайритабиий куч-қуввати, мардлиги, жасорати ва ш.к. билан ажралиб турадиган қаҳрамон сифати”.

Халқимизнинг тарихи ёритилган манбаларда Ўғузхон, Афросиёб, Алп Ертўнга каби номлар кўплаб учрайди. Айрим ҳолларда еса улар афсонавий қаҳрамонлар сифатида тасвирланади. Фирдавсий, Наршахий, Маҳмуд Кошғарий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий асарларида бу номлар тарихий сифатида тилга олинади. Номлар турлича ифодаланса-да, уларнинг асли битта шахс - Турон замин ҳукмдори, уни турли босқинчилардан ҳимоя қилган Алп Ер Тўнга ҳисобланади.

Хитой сарой солномалари орқали бизгача йетиб келган манбаларда Алп Ер Тўнга томонидан айтилган қуйидаги даъват еса унинг ахлоқий қарашларини кўрсатибгина қолмай, айна пайтда ўз ери, ўз Ватанининг бир қаричини ҳам ёт кучларга бермайдиган, керак бўлса унга жонини фидо қиладиган ватанпарвар инсон сиймосини яққол гавдалантиради: «Мен Ватанимни ўз ишқим ўғрисига хор этмайман! Мозорда ётган ота-боболаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлод-аждодларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бордир! Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам йер бермакка ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқдир. ... Йер давлатнинг асосидир, уни қандай қилиб тортиқ қилиб бериб юбориш мумкин?!».

Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини барпо етиш ишини кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепсиясини аниқлаб олишдан бошланганлиги ва бу келажақда ҳам узлуксиз давом етадиган масъулиятли ишга айланганлиги бир томондан, ҳарбий ватанпарварлик ғояларини талқин етишнинг тарихий методологик асосини мустаҳкамласа, иккинчи томондан ёшларда ҳарбий

ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг миллий менталитетимизга асосланган тизимнинг мустақамланишини таъминлайди.

Бунда тарихий манбалар таҳлили ва унинг негизида шаклланган илмий-назарий ҳолат, умумлашмалар, хулосалар ва сабоқлар ҳарбий ватанпарварлик руҳидада тарбилаш тамойилига янада холисроқ назар ташлашни, ҳамда ватанпарварлик парадигмасини амалга татбиқ етишда ҳукумат тузилмалари фаолиятини шакллантиришга имкон беради.

Тарихимиздаги ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг концептуал асосларини ХХИ аср ўзбек-ватанпарвар шахсини шакллантиришга сезиларли даражада имкон берувчи замонавий ватанпарварлик парадигмаларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин

Адабиётлар:

- 1.Бўлажак Ҳарбий Хизматчиларда Касбий Мослашувчанликнинг Ижтимоий-Психологик Асослари // Мбмқосс Аҳаджоновис// Педагогисал Ссиенсес Анд Теачинг Метҳодс: А Соллестион Ссиентифис Шоркс Оф ...; ; 2022.
- 2.МБ Мансуржонович, ҚС Аҳаджонович //Ҳарбий Педогогика Ва Ҳарбий Педагог Кадрларни Тайёрлаш Масалалари// Оъзбекистонда Фанлараро ИнновациЯлар ва Илмий Тадқиқотлар Журнали 2 (13 ...; ; 2022.
- 3.Б Мадаминов //Фқувчи Ёшларда Қаҳрамонлик Руҳини Шакллантиришда, Ташвиқот Ишларининг Аҳамияти // ИЖТИМОЙ ФАНЛАРДА ИННОВАСИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ 3 (1), 25-26; ; 2023.
- 4.Рустамовна А.А. //БОЪЛАЖАК ҲАРБИЙ КАДРЛАРИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАВИЙ МУҲИТ ТАЪСИРИНИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// – 2022.
- 5.Ш.М.Таиров “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида боълажак оъқитувчиларни касбий тайёрлашнинг назарий жиҳатлари”. “ ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ ЖУРНАЛИ” 5 ИЮН / 2022 ЙИЛ / 19 – СОН.
- 6.Ш. М.Таиров //ЧАНГЕС ИН ТҲЕ ФУНСТИОНАЛ САПАБИЛИТИЕС ОФ ТҲЕ ФЕМАЛЕ
- 7.ОРГАНИСМ ДУРИНГ СПОРЦ// Асадемисиа Глобе: Индерссиенсе Ресearч. Волуме 4, Иссуе 3, Мар., 2023. 191-193 пагес.